БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 250 (16.636). | 24 октябрь 1976 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Тошкент шаҳри саноати маҳсулотни реализация қилиш ўн ойлик давлат планини муддатидан олдин, 22 октябрда бажарди. Ҳамза, Киров, Собир Раҳимов, Ленин, Октябрь, Чилонзор районларидаги саноат корхоналарининг меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақалашувчиларнинг олдинги сафида бормоқдалар. Республика пойтахти корхоналарининг коллективлари октябрь ойининг охиригача пландан ташқари 70 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга сўз бердилар.

* * *

Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут саноати министрлиги корхоналарининг ходимлари КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун мусобақалашиб, маҳсулотни реализация қилиш ўн ойлик программасини муддатидан олдин бажарганликлари тўғрисида 22 октябрь куни рапорт бердилар. Топшириқдан ташқари ўн миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

СССР Олий Советининг бўлажак сессиясида 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани, мамлакатнинг 1977 йилги давлат плани ва бюджети, шунингдек 1975 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисобот қараб чиқилади.

300 дан кўпроқ депутат сессия бошланишидан анча олдин Москвага келишди. Депутатлар СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг план-бюджет, тармоқ комиссиялари ва ёшлар билан ишлаш комиссиялари тузган ўн бешта тайёргарлик комиссияларида, план-бюджет комиссияларининг ялпи мажлисларида СССР ҳукумати тақдим этган ҳужжатларни уч ҳафта давомида муҳокама қилдилар.

23 октябрь куни Москвада СССР Олий Совети палаталарининг саноат, транспорт ва алоқа, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмоли моллари, соғликни сақлаш ва социал таъминот, халқ маорифи, фан ва маданият, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва коммунал хўжалиги тармоқ комиссияларининг, шунингдек ёшлар билан ишлаш комиссиясининг ялпи мажлислари бўлиб ўтди. Мажлисларда 800 га яқин депутат иштирок этди. Улар 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планини, мамлакатнинг 1977 йилги давлат плани ва бюджетини, 1975 йилги бюджетнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари ҳақида тайёргарлик комиссиялари раҳбарларининг докладлари ва ахборотларини тингладилар.

Комиссиялар 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат плани, мамлакатнинг 1977 йилги давлат плани ва бюджетини юзасидан чиқарилган хулосаларни тасдиқладилар, план-бюджет, тармоқ комиссиялари ва ёшлар билан ишлаш комиссияларининг қўшимча докладлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар ҳамда Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети план-бюджет комиссияларининг раислари депутатлар Г. И. Вашченко ва Н. И. Масленниковга СССР Олий Советининг тегишли палаталари мажлисларида доимий комиссиялар номидан қўшимча докладлар қилишни топширдилар.

(ТАСС).

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА!

ДАДИЛ ОДИМЛАР

СССР САНОАТИДА 1976 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

СССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Саноат ходимлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съездининг қарорларини амалга ошира бориб ва ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ишлаб чиқаришда янги муваффақиятларга эришдилар.

Маҳсулот реализация қилиш ҳажми, меҳнат унумдорлигини ошириш ва кўпчилик энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган тўққиз ойлик план ошириб бажарилди. Пландан ташқари 4,5 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди. Саноат ишлаб чиқариши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йиллик планда белгиланган 4,3 процент ўрнига 4,8 процент ошди. Меҳнат унумдорлиги 3,3 процент кўтарилди. Фойда олиш ва саноат маҳсулоти таннархини камайтириш планлари бажарилди.

Ҳамма умумиттифоқ ва иттифоқ-республика саноат министрликлари ҳамда барча иттифоқдош республикалар маҳсулот реализация қилиш тўққиз ойлик планини ошириб бажардилар.

Айрим министрликлар ва иттифоқдош республикаларда маҳсулот реализация қилиш плани қандай бажарилганлиги, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари қуйидагича бўлди:

Умумиттифоқ ва иттифоқдош-республика министрликлари ҳамда идоралари	Маҳсулот реализация қилиш тўққиз ойлик планининг бажарилиш процента	1976 йилнинг тўққиз ойида 1975 йилнинг тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида	
		ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Энергетика ва электрлаштириш	101	107	105
Нефть саноати	100,8	106	105
Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати	100,4	105	104
Газ саноати	104	119	114
Кўмир саноати	102	103	102
Қора металлургия	100,6	105	104
Рангли металлургия	100,5	103	102
Химия саноати	100,3	108	106
Оғир ва транспорт машинасозлиги	100,5	106	106
Энергетика машинасозлиги	100,6	109	106
Электротехника саноати	101	108	106
Химия ва нефть машинасозлиги	101	108	107
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати	100,9	110	108
Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари	102	112	110
Автомобиль саноати	104	107	106
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	102	107	106
Чорвачилик ва озука ишлаб чиқариш учун машинасозлик	102	111	107
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик	100,3	107	106
Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик	100,2	108	107
Ўрмон ва ёғочсозлик саноати	100,5	102	103
Целлюлоза-қоғоз саноати	102	106	105
Бинокорлик материаллари саноати	100,5	105	104
Енгил саноат	101	104	103
Озиқ-овқат саноати	102	100,8	100,7
Гўшт ва сут саноати	100,2	90	92
Балиқ хўжалиги	103	103	102
Тайёрлаш	104	107	104
Медицина саноати	102	112	109
Микробиология саноати бош бошқармаси	103	118	107

Иттифоқдош республикалар (иттифоқ қарамоғидаги саноат ҳам шу ҳисобга киради)	Маҳсулот реализация қилиш тўққиз ойлик планининг бажарилиш процента	1976 йил тўққиз ойида 1975 йил тўққиз ойига нисбатан процент ҳисобида	
		ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
РСФСР	101,0	104,6	103,7
Украина ССР	101,4	104,0	102,2
Белоруссия ССР	101,9	107,3	104,7
Ўзбекистон ССР	103,7	104,7	102,6
Қозоғистон ССР	100,5	102,8	101,0
Грузия ССР	102,3	105,6	104,7
Озарбайжон ССР	102,3	108,1	105,3
Литва ССР	101,8	105,7	104,4
Молдавия ССР	101,3	103,1	100,4
Латвия ССР	101,7	105,2	105,0
Қирғизистон ССР	102,2	105,8	104,1
Тожикистон ССР	102,4	102,6	100,1
Арманистон ССР	102,6	108,6	105,0
Туркманистон ССР	102,2	100,3	98,4
Эстония ССР	102,5	106,4	104,8

Умуман мамлакатда маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан характерланади:

	1976 йилнинг тўққиз ойи мобайнида ишлаб чиқарилгани	1976 йил тўққиз ойида 1975 йилнинг тўққиз ойидагига нисбатан процент ҳисобида
Электроэнергия — миллиард киловатт-соат	808	107
Нефть (газ конденсатини ҳам		

(Давоми иккинчи бетда).

КАТТА ҒАЛАБА

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Колхозчиларни ва совхозларнинг ишчиларини, хўжаликларнинг механизаторлари, раҳбарлари ва мутахассисларини, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларининг ходимларини, саноат корхоналари, транспорт ташкилотлари, ўқув юртларининг коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, Россия ғалласи учун курашга ўз фидокорона меҳнатини қўшган барча кишиларни меҳнатдаги катта ғалаба билан қизғин ва самимий қутлайман.

Ватан омборларига тўкилган 52 миллион 227 минг тонна дон — мамлакатнинг ғалла ресурсларига қўшилган жуда катта ҳисса бўлиб барча совет кишилари бу хабарни чуқур мамнуният билан кутиб олишларига шак-шубҳа йўқ.

Россия Федерацияси колхоз ва совхозларининг бу ютуғи — партия аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш натижаси, ғалла ўрим-йиғимининг чинакам қаҳрамонлари бўлган мингминглаб қишлоқ хўжалик ходимлари, республикадаги барча меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнати натижаси, партия, совет, касаба союз ва комсомол органлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлар натижасидир.

КПСС Марказий Комитети ишонч билдириб айтадики, Россия Федерациясининг меҳнаткашлари колхоз ва совхозларнинг ўсган моддий-техника базасига, фан ва илғор тажриба ютуқларига таяниб, дон, қанд лавлаги, кунгабоқар, картошка, сабзавот, мева ва бошқа экинлар етиштиришни янада кўпайтириш учун актив курашни авж олдирадилар, чорвачиликни жадал ривожлантиришни таъминлайдилар, келгуси йил мўл ҳосил олиш учун ҳамма ишларни қиладилар, саноатда ва халк хўжалигининг бошқа тармоқларида ўнинчи беш йиллликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлайдилар.

Азиз ўртоқлар, КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда сизларга бундан буён ҳам катта муваффақиятлар тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ВАТАН ОМБОРИДА — 52 МИЛЛИОН 227 МИНГ ТОННА ҒАЛЛА

Россия Федерациясининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш учун кунт билан курашиб, донли экинлардан мўл ҳосил етиштирдилар ва ғалла фронтида ўнинчи беш йиллликнинг биринчи йилини катта муваффақият билан нишонладилар. Ватан омборларига 52 миллион 227 минг тонна ёки 3 миллиард 188 миллион пуд ғалла тўкилди, бу эса белгиланган тайёрлаш ҳажмидан ортикдир. Республикада бундай кўп миқдордаги ғалла биринчи марта тайёрланди. Кучли ва каттик буғдой харид қилиш планлари ошириб бажарилди. Давлатга ғалла сотиш давом этмоқда.

Социалистик мусобака ташаббускорлари бўлган Кубань деҳқонлари республикада дон етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришга катта ҳисса қўшдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев уларнинг ташаббусига юксак баҳо берди. 45 область, ўлка ва автоном республика ана шу даъватга жавобан давлатга ғалла сотиш юзасидан белгиланган топшириқни анча ошириб бажарди. 5 миллион тоннадан кўпроқ дон сотган Оренбург областининг деҳқонлари мамлакатнинг ғалла ресурсларига айниқса салмоқли ҳисса қўшдилар. Давлат омборларига 4800 минг тонна дон тўккан Волгоград областининг, давлатга 4253 минг тонна дон топширган Саратов областининг, давлатга 2445 минг тонна дон сотган Бошқирдистон АССРнинг, давлатга 2030 минг тонна ғалла топширган Куйбишев областининг, давлатга 1646 минг тонна ғалла етказиб берган Татаристон АССРнинг, давлатга 1200 минг тонна дон сотган Пенза областининг, давлатга 1132 минг тонна ғалла топширган Ульянов областининг ғаллакорлари оширилган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар, Волга бўйи колхоз ва совхозлари эса давлатга жами бир миллиард пуддан кўпроқ ғалла сотдилар. Давлатга 4 миллион тонна ғалла сотган Ростов областининг, давлатга 1,9 миллион тонна дон топширган Воронеж областининг меҳнаткашлари ажойиб муваффакиятларга эришдилар, Тамбов, Курск ва Белгород областларининг колхоз ва совхозлари ҳар бир областдан тайёрлов пунктларига 1 миллион тоннадан кўпроқ дон топширдилар. Липецк, Рязань, Тўла, Орёл, Амур ва бошқа областларнинг қишлоқ меҳнатчилари ғалла харид қилиш юзасидан ўз планларини ошириб адо этдилар.

Нокоратупроқ зонадаги колхоз ва совхозлар КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «РСФСРнинг Нокоратупроқ зона қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, дон етиштиришни кўпайтирдилар. Бу йил ана шу зонада ялпи дон ҳосили ўтган беш йилликдаги ўртача йиллик даражадан 6 миллион тоннадан знёд ошиб, 26 миллион тоннани ташкил этди. Зонада ҳар гектар ердан олинган ўртача дон ҳосили энг серҳосил бўлган 1973 йилдагига нисбатан 2,6 центнер кўпайди. Нокоратупроқ зонадаги кўпгина колхоз ва совхозлар ҳар гектар ердан 40-45 центнер ва ундан ҳам кўпроқ ғалла йиғиштириб олдилар.

Россия ғаллакорлари ўртоқ Л. И. Брежнев маслаҳатларига амал қилиб, келгуси йилда мўл ҳосил олиш учун шарт-шароит яратиш соҳасида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Республика чорвадорлари чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш, чорва маҳсулдорлигини ошириш ва унинг туёғини кўпайтиришга эришиш, давлатга гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни сотиш планларининг бажарилишини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

"ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республикамиз областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 23 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Умумий планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада; тўртинчи устун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта; бешинчи устун — шу жумладан машинада.

ТОШКЕНТ	0,45	0,31	103,66	116,16
Сурхондарё	0,92	0,92	93,11	103,33
Андижон	0,62	0,90	92,94	98,63
Жиззах	0,86	0,40	90,80	93,91
Қашқадарё	0,97	1,25	87,82	85,18
Наманган	0,75	1,33	84,27	94,48
Сирдарё	0,76	0,42	84,22	99,12
Фарғона	0,78	1,60	82,61	62,18
Самарқанд	1,50	2,11	82,08	80,31
Бухоро	0,71	0,66	81,36	76,29
ҚҚ АССР	1,23	1,89	79,30	69,08
Хоразм	0,88	1,41	67,28	58,11
Республика бўйича:	0,87	1,11	85,77	87,09
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	1,19	—	73,64	—
Наманган	0,33	—	67,29	—
Қашқадарё	1,41	—	66,26	—
Бухоро	0,84	—	46,85	—
Республика бўйича:	1,21	—	69,80	—

ЖИЗЗАХ РАЙОНИ МАРРАГА ЕТДИ

Жиззах райони деҳқонлари давлатга пахта сотиш халқ хўжалик йиллик планини бажардилар. Ока-Ватан хирмонига 51 минг тоннадан знёд «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилнинг 85 процентга биринчи сортлари топширилди. Ҳар гектар майдондан 33 центнердан ҳосил кўтарилди. 17 минг тонна уруғлик пахта тайёрланди. Машиналарда салкам 24 минг тонна пахта терилди.

Ленин орденли «Москва», Алишер Навоий номли, Ҳамид Олимжон номли ва бошқа колхозлар баракали хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар.

Район меҳнаткашлари давлатга пилла, қорақўл тери, жун, сабзавот, мева, узум ва полиз экинлари маҳсулотлари сотиш йиллик планларини ҳам муваффақиятли бажардилар.

Район хўжаликлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, қўшимча равишда яна 4 минг тонна пахта етказиб беришга аҳд қилдилар.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАРДА

МХРП Марказий Комитетининг биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал бошчилигидаги Монголия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 23 октябрь куни Олмаотадан Новосибирскка жўнаб кетди.

Делегация шу куни Новосибирскка етиб келди.

(ТАСС).

«КОСМОС-862» ПАРВОЗДА

1976 йил 22 октябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-862» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

22 октябрь куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг халқ маорифи, фан ва маданият комиссиялари ҳамда қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

Мажлисда СССР Министрлар Совети томонидан СССР Олий Совети Президиумига тақдим этилган «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги СССР қонунининг лойиҳаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Совет Иттифоқида тарих ва маданият ёдгорликларининг бебаҳо хазинаси бор. Улуғ Ленининг маданий меросни эҳтиёт қилиб асраш тўғрисидаги йўл-йўриқларига амал қилиб келаётган Совет давлати маданий-тарихий бойликларни сақлаш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилмоқда, улардан коммунистик тарбия манфаатлари йўлида актив фойдаланишга кўмаклашмоқда.

Ҳозирги вактда ўн миллионлаб ёдгорликлар давлат ҳисобида турибди. Улар орасида Москва Кремлининг ноёб меъморчилик иншоотларини, қадимий Киев ёдгорликлари, Ленинграднинг, Ўрта Осиё, Болтиқ бўйи, Закавказье республикаларининг меъморчилик ансамбллари ва бошқа ёдгорликлар бор.

СССР Олий Совети Президиумининг қарорига биноан қонун лойиҳасининг матбуотда эълон қилиниши совет жамоатчилигини ғоят қизиқтирганлигини депутатлар таъкидлаб ўтишди.

Тайёргарлик комиссияси иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумларидан, министрликлар ва идоралардан, маҳаллий Советлардан, айрим гражданлардан тушган ҳамма таклиф ва мулоҳазаларни ҳам синчиклаб кўриб чиқди.

Депутатлар комиссиянинг «Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида»ги СССР қонуни лойиҳаси юзасидан берган хулосасини муҳокама қилганларидан кейин якдиллик билан тасдиқладилар. СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг СССР Олий Совети бўлажак сессиясидаги қўшимча докладлари лойиҳалари ҳам тасдиқланди.

* * *

Шу куни Кремлда Иттифоқ Совети қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг раиси И. В. Капитонов раислигида СССР Олий Совети палаталари қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

Комиссиялар тегишли қарорлар қабул қилдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! КПСС АГРАР СИЁСАТИНИ АКТИВ АМАЛГА ОШИРИНГИЗ! ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА ХИМИЯЛАШТИРИШ, ЕРЛАРНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ СУРЪАТЛАРИНИ ТЕЗЛАТИНГИЗ! ХЎЖАЛИКЛАРАРО КООПЕРАЦИЯЛАШ ВА АГРОСАНОАТ ИНТЕГРАЦИЯСИ НЕГИЗИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА КОНЦЕНТРАЦИЯЛАШ ЙЎЛИНИ ҚУНТ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИНГИЗ!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).



Сирдарё область Оқолтин районидаги У. Юсупов номли совхоз пахтакорлари ҳар бир қулай фурсатдан унумли фойдаланиб, терим суръатини оширмоқдалар. Суратда: меҳнатсевар механизатор С. Арслонов. У шу кунгача 150 тоннадан знёд «оқ олтин» терди.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ВАТАНПАРВАРЛАРНИ ТАРБИЯЛАБ ЕТИШТИРАЙЛИК

КПСС XXV съезд қарорлари асосида ҳарбий-ватанпарварлик тарбия проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ семинари 23 октябрь куни Тошкентда ўз ишини тамомлади.

Семинар қатнашчилари уч кун давомида СССР экономикасининг ривожланиши ва унинг мамлакатнинг мудофаа қудратини кучайтиришга таъсири тўғрисида, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни янада мустаҳкамлаш ҳақида, ҳозирги шароитда идеология курраши тўғрисида, фан-техника тараққиёти ва қуролли кучлар тўғрисида, СССРнинг халқаро аҳволи ҳақида лекция ва докладлар тингладилар. Таниқли ҳарбий саркардалар, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, партия ходимлари, олимлар лекция ўқидилар ва докладлар қилдилар.

Совет кишиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни шонли анъаналардан баҳраманд қилиш соҳасида иш тажрибаси билан ўртоқлашилди.

Семинар қатнашчилари республика пойтахтидаги армия сафига чақирилувчи ёшлар билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎРТОҚЛИК ВАЗИЯТИДА

22 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. А. Косигин қисқа муддатли визит билан Москвага келган ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси П. Ярошевич билан учрашди.

Суҳбат чоғида СССР билан ПХР ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Совет — Польша қардошларча ҳамкорлиги КПСС XXV съезди ва ПБИП VII съезди ўртага қўйган социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда муҳим роль ўйнаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Суҳбат самимий, ўртоқлик вазиятида ўтди.

Кечкурун ўртоқ П. Ярошевич Москвадан жўнаб кетди.

ДАДИЛ ОДИМЛАР

(Боши биринчи бетда).

қўшган ҳолда) — миллион тонна	386	106
Газ — миллиард куб метр	236	112
Кўмир — миллион тонна	532	102
Чўян — миллион тонна	79,1	103
Пўлат — миллион тонна	109	103
Қора металлар прокати — миллион тонна	89,0	104
Шу жумладан: тайёр прокат	76,2	104
пўлат қувурлар — миллион тонна	12,7	106
Темир руда — миллион тонна	178	103
Минерал ўғитлар (шартли бирликларда) — миллион тонна	68,1	104
Ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари (шартли бирликларда) — минг тонна	347	105
100 процент кальцийланган сода (миллион тонна)	3,6	103
100 процент каустик сода — миллион тонна	1,9	110
Олтингугурт кислотаси — миллион тонна	14,6	107
Синтетик смола ва пластмассалар — миллион тонна	2,3	103
Химиявий тола ва ип — минг тонна	755	107
Автомобиль покришкалари — миллион тонна	40,5	106
Синтетик кир ювиш воситалари — минг тонна	606	109
Турбиналар — миллион киловатт	13,0	92
Турбина генераторлари — миллион киловатт	11,8	94
Ўзгарувчи ток электродвигателлари — миллион киловатт	35,4	105
Металл қирқувчи станоклар: минг дона	167	100,3
миллион сўмлик	1088	109
Жами металл қирқувчи станоклардан сонли программа билан бошқариладиган станоклар — минг дона	4,5	113
Темирчилик-пресслаш машиналари: минг дона	38,2	102
миллион сўмлик	306	110
Асбоблар, автоматлаштириш воситалари ва уларнинг запас қисмлари — миллиард сўм	207	112
Ҳисоблаш техникаси ва уларнинг запас қисмлари — миллиард сўмлик	1,6	124
Металлургия машина-ускуналари — минг тонна	280	108
Кўмир қазиш комбайнлари — дона	886	109
Проходка комбайнлари — дона	413	110
Нефть аппаратлари (ҳаво совуткич аппаратлар бу ҳисобга кирмайди) — минг тонна	122	121
Химия машина-ускуналари, уларнинг запас қисмлари — миллион сўмлик	463	108
Енгил саноат учун технологик машина-ускуналар ва уларнинг запас қисмлари — миллион сўмлик	464	105
Озиқ-овқат, гўшт, сут ва балиқ саноати учун технологик машина-ускуналар ва уларнинг запас қисмлари — миллион сўмлик	357	107
Магистрал тепловозлар — миллион от кучи	3,1	105
Магистрал электровозлар — миллион от кучи	2,4	107
Магистрал юк вагонлари — минг дона	52,5	102
Автомобиллар — минг дона	1505	103
Шу жумладан: юк автомобиллари	529	103
енгил автомобиллар	924	103
Тракторлар — минг дона	419	102
Миллион от кучи	32,8	106
Қишлоқ хўжалик машиналари — миллион сўмлик	2870	106
Шу жумладан: чорвачилик ва ем-хашак тайёрлаш машиналари	1202	106
Ғалла комбайнлари — минг дона	75,2	105
Пахта териш машиналари (физик бирликларда) — минг дона	6,1	106
Экскаваторлар — минг дона	30,4	105
Иморатбоп ёғоч (колхозлар тайёрлагани бу ҳисобга кирмайди) — миллион куб метр	224	98
Целлюлоза — миллион тонна	5,4	106
Қоғоз — миллион тонна	4,0	103
Картон — миллион тонна	2,6	105
Цемент — миллион тонна	92,8	102
Йиғма темир-бетон — миллион куб метр буюм	88	103
Шифер — миллиард шартли плита	6,0	104
Томга ёпиладиган юмшоқ материаллар ва изол — миллиард квадрат метр	1,4	109
Газламаларнинг ҳамма турлари — миллион квадрат метр	7658	103
Тикилган кийимлар — миллиард сўмлик	14,4	105
Ички трикотаж — миллион дона	729	103
Устки трикотаж — миллион дона	350	102
Чарм пойафзал — миллион жуфт	535	104
Гўшт (саноат қўламида тайёрланган) — миллион тонна	5,8	79
Колбаса маҳсулотлари — миллион тонна	2,2	99,8
Овқатбоп балиқ маҳсулотлари, шу жумладан балиқ консервалари — миллиард сўмлик	3,4	105
Мол ёғи	1,1	99,8
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти (сутга айлантириб ҳисоблаганда) — миллион тонна	17,6	97
Ўсимлик мойи — миллион тонна	1,8	78
Кондитер маҳсулотлари — миллион тонна	2,4	105
Консервалар — миллиард шартли банка	10,8	96
Соатлар — миллион дона	42,9	105
Чинни фаянс ва майолика идишлар — миллион дона	777	105
Сортли идишлар (шиша ва хрусталлардан ясалган) — миллион сўм	215	109
Радиоприёмник ва радиолалар — миллион дона	6,2	99,9
Телевизорлар — миллион дона	5,3	103
Холодильниклар — миллион дона	4,3	104
Кир ювиш машиналари — миллион дона	2,6	108
Мотоцикл ва мотороллерлар — минг дона	784	103
Мебель — миллиард сўмлик	3,2	105

Умуман саноатда план муваффақиятли бажарилгани ҳолда ўтган давр ичида министрликлар, бирлашмалар ва корхоналарнинг ишида нуқсонлар ҳам бўлди. Минерал ўғит, олтингугурт кислотаси, ўзгарувчан ток электродвигателлари, темирчилик-пресслаш машиналари, юк вагонлари, иморатбоп ёғоч, цемент ишлаб чиқариш, қоғоз, газлама, устки-трикотаж, консерва, чинни фаянс ва майолика идишлар, холодильниклар ва маҳсулотнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш плани бажарилмай қолди. Кооперация йўли билан материал ва буюмларни етказиб бериш айрим ҳолларда шартномаларда олинган мажбуриятларга риоя қилинмаган ҳолда амалга оширилди. Айрим бирлашмалар ва корхоналар маҳсулотни реализация қилиш, меҳнат унумдорлиги ва жамғармаларни кўпайтириш юзасидан берилган топшириқларни бажармадилар ва белгиланган ассортимент ҳамда тегишли сифатдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминламадилар.

Саноатда ишлаб чиқаришни техника билан тобора қуроллантириш ва такомиллаштириш давом эттирилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш амалга оширилди, янада мукаммалроқ технология жараёнлари жорий қилинди. Электростанцияларда электр энергия ҳосил қилишга сарфланган ёқилғи миқдори камайди, пўлат эритиш агрегатлари, цемент саноатида ва саноатнинг бошқа тармоқларида машина-ускуналарнинг унумдорлиги ошди.

Ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда корхоналар замонавий техника талабларига мос бўлган буюмларнинг икки мингдан зиёд янги турини ўзлаштирди ва ишлаб чиқара бошлади. 30 мингдан зиёд буюмга давлат Сифат белгиси берилди.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармаси

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев 20 октябрь куни Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Ҳ. Бағдош билан учрашдилар.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида КПСС билан Сурия Компартияси фаолиятининг, империализм ва реакцияга қарши, халқларнинг миллий мустақиллиги ва социал тараққиёти учун умумий курашда улар ўртасидаги қардошларча ҳамкорликнинг актуал масалалари юзасидан ахборот айирбошланди.

Учрашув қатнашчилари Исроилнинг араб мамлакатларига қарши агрессияси туфайли вужудга келган Яқин Шарқ можаросининг бартараф этилмаганлиги, Исроил азалий араб ерларини оккупация қилиб турганлиги, Фаластин проблемасининг ҳал этилмаганлиги, араб мамлакатларидаги реакциянинг активлашганлиги ва араб халқларининг ички ишларига империалистларнинг аралашуви Яқин Шарқда хатарли портлаш вазиятининг, шу районда тинчлик ва хавфсизликка тўсқинлик қилаётган танг вазиятлар вужудга келишининг асосий сабабларидан бўлиб қолмоқда, деб таъкидладилар. Шу муносабат билан Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги можарони бартараф этиш ва Женева сулҳ конференциясини чақириш тўғрисидаги таклифлари Сурия Компартияси номидан тўла-тўкис қўллаб-қувватланди. Шу таклифларнинг амалга оширилиши босиб олинган араб территорияларини озод этиш, фаластинлик араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва фаластин давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини таъминлаш, Яқин Шарқдаги ҳамма давлатларнинг хавфсизлигига халқаро гарантиялар бериш асосида ушбу районда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилишига имкон берган бўлур эди.

Иккала томон Ливанда хунрезлик тўқнашувлари ҳеч кечиктирмай тўхатилиши, Ливан Республикасининг миллий мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлиги сақлаб қолиниши, Ливан ички ишларига империалистларнинг аралашувига йўл қўймаслик, Фаластин Қаршилик ҳаракатининг манфаатлари тегишли битимлар асосида таъминланиши ғоятда муҳимлигини таъкидлади. Томонлар Ливан танглиги сиёсий воситалар билан бартараф этилиши ва Ливандаги вазият нормаллаштирилиши учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилиши ҳамда можарога тортилган бошқа давлатларнинг қуролли кучлари Ливан территориясидан олиб чиқиб кетилиши зарур, деб ишонч билдирдилар. Араб мамлакатларидаги империализмга қарши кучларнинг ҳамкорлиги ва бирдамлиги, уларнинг араб халқлари қонуний миллий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида, биргалашиб қилаётган ҳаракатлари Ливан танглигини одилона бартараф этиш гаровидир.

КПСС ва Сурия Компартиясининг намояндалари муҳокама этилган масалалар хусусида фикрлар бирлигини мамнуният билан қайд этдилар.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг ўринбосари Р. А. Ульяновский иштирок этди.

Суратда: Тошкент ГРЭСи энергетика блокининг илғор катта машинисти КПСС XXV съезди делегати Й. Муслимов. У бошқарув пульти олдида навбатдаги операцияларни кузатмоқда.

Ш. Галимов фотоси. (ЎзТАГ).

ҒАЛАТИ ҚИЛИҚ

Илгари матбуотда хабар қилинганидек, шу йил сентябрь ойида Москвада совет қонунларини қўпол равишда бузган француз граждани Жан-Кристиан Тира ушлаб қолинган эди, У Совет Иттифоқига турист бўлиб келиб, Советларга қарши рухда бўлган ва АҚШ Марказий разведка бошқармаси билан маҳкам боғланган НТС ташкилотидан олинган мамлакатимизга душманлик мазмунидаги варақаларни тарқатишга уринган эди.

Тергов давомида Жан-Кристиан Тира Совет Иттифоқига душманлик ҳаракати қилганлигинг тўла иқрор бўлди. Мен ўз айбимни ҳам, шунингдек Совет Иттифоқига нисбатан ғаразли фикрда бўлганлигимдан келиб чиққан янглишларимни тушуниб олдим, деди у. Ж.-К. Тира телевидение орқали гапириб, ўз айби ва хатоларини бўйнига олди. Уни миллион-миллион телетомошабиннлар кўриб, гапини эшитдилар.

Ж.-К. Тира СССР Олий Совети Президиумига мактуб билан мурожаат қилиб, ўз ҳаракатларини қоралади, пушаймон бўлганлигини айтди ва кечирим сўради. Менинг номақбул ишим совет—француз дўстлигига доғ туширмайди, деган умидни изҳор қилди у. Бу мактуб «Правда» газетасининг 20 октябрь сонида эълон қилинди.

Кўрниб турибдики, ҳамма нарса равшан, изоҳга ҳожат йўқ. Эҳтимол Ж.-К. Тиранинг тергов органларига ҳеч қандай эътирози йўқлигини айтганини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Тергов даврида унга Франция элчихонасининг вакиллари билан бир неча бор учрашиш имконияти берилди. Шу учрашув ва суҳбатлар вақтида Ж.-К. Тира ўзини мутлақо нормал ҳис этди, ҳеч қайси томон ҳеч қандай шиқоят ва даъво қилмади.

Совет маъмурлари унинг чин нўнгилдан эътироф қилганлигини, ўзининг янглишганлигини аниқ айтганлигини, шунингдек Совет—Франция муносабатларининг ҳозирги характерини ҳисобга олиб, Ж.-К. Тирани озодликка чиқариш мумкин деб топди.

Хўш, буёғи нима бўлди?

Ж.-К. Тира Париждаги Бурже аэропортида самолёт зинапоясидан тушиши биланоқ уни француз полициячилари ушлаб олди. Полициячилар Ж.-К. Тира билан ўтказган «суҳбат», аниқроқ қилиб айтганда «жиғини эзиш» бир неча соат давом этди, Франциянинг бутун матбуоти шу ҳақдаги хабарни эълон қилди. Улар ўз мақсадларига эришдилар. Франс-Пресс агентлиги тарқатган хабарга кўра, гўё Ж.-К. Тира ўзининг Совет Иттифоқида айтган гапларини рад қилган эмиш.

Кўрниб турибдики, ёш француз йиғитининг Совет Иттифоқида кўрган нарсалари ажнабий туристлар қўлтиғига Советларга қарши туҳмат гаплар ёзилган варақалар ва бошқа тарздаги қоғозларни хиралик билан қистириб қўйётган, ашаддий, антисовет ташкилотлар зўр бериб тарғиб қилиб келаётган гапларга мутлақо ўхшамаганлиги айрим кимсаларга мутлақо ёқмабди. Хуллас, полиция демократияси ишга солинди. Бироқ Франциядаги оммавий ахборот воситалари тарқатаётган гапларнинг пойма-пойлиги кўрниб турибди. Ж. К. Тира СССР Олий Совети Президиумига юборган мантубини ўз ихтиёри билан ёзганлигини Парижда ҳам тасдиқлади.

Француз граждани Ж.-К. Тира билан бўлган воқеани, совет маъмурларининг унга инсонпарварлик ва олий ҳимматлилик кўрсатганлигини бузиб талқин қилиш йўлидаги уриниш жуда ҳунук қилиқ бўлди.

КАССИР УЙЛАНАРМИШ...

Фельетон

Баландчақирда дув-дув гап. «Ховос» совхозининг саккиз карра бўйдоқ кассири Абдураҳмон Абдураззоқов уйланармиш... Бечора ошиқ, тўққизинчи никоҳ тўйига тараддуд кўриб турганида гардкам деб ташлаган ошиғи чикка кетиб қолди. Начора, деб овутарди кекса ошиқ, ошиқлик бир дардким, бу хусусда мавлоно Фузулий шундай дебдурлар:

Муҳаббат бир бало шайдир, Гирифтор ўлмаган билмас...

Оламда шундай одамлар борки, на ишк билан иши бор, на ошиқ билан! «Ховос» совхозининг собиқ директори А. Турдиқулов ҳам шундайлар тоифасидан экан. Кекса ошиқнинг ишқ-муҳаббатга тўла юрагини ҳурмат қилмаса ҳам табаррук ёшини ҳурмат қилса бўларди. Лекин, директор ишқ ўз йўлига, иш ўз йўлига дерди ўжарлик қилиб.

Сўнгги йилларда «Ховос» совхозидан янги уч хўжалик ажраляб чиқди. Янги хўжаликларда янги штатлар пайдо бўлгани каби, эски хўжаликда табиий айрим штатлар ортиқча юк бўлиб қолди. Узоқ бўлим ва фермаларга пул элтувчи кассирлик штати шундай ортиқча штатлардан бири эди. Совхоз бош экономисти Абдували Ботиров «узоқ бўлим ва фермалар бошқа хўжаликларга ўтиб кетганлиги туфайли пул элтувчи кассирга идорада пашша қўриндан бўлак иш қолмади» деган таклиф киритиб қолди.

— Мени ҳурмат қилмасангизлар ҳафа эмасман, — ўз ҳолини баён қилди кекса ошиқ, — эрта-индин киядиган қуёвлик либосимни ҳурмат қилинглар. Эллик беш ёшда бу ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Сизларга яхши ният билан фотиҳа берганим бўлсин.

— Кечирасиз, — деди совхоздаги мутасадди ўртоқлар, — йилда икки марта уйланишингиз ҳам жонга тегди.

— Уйланган бизу, нимага сизнинг жонингизга тегар экан? — луқма ташлаб қолди эртаиндин қуёвлик либосини елкага ташлаш арафасида энтикиб турган ошиқ. — Қуёваларни ҳурмат қилинг, кам бўлмайсиз.

— Биз-ку ҳурмат қиламиз, ҳурмат қилишга ўрганиб қолганмиз. Лекин район прокуратурасини ҳурмат қилишга ким мажбур эта олади. У ерда олти ойдан буён №10-338 номерли иш бўйича устингиздан жиноий иш юритиляпти. Терговчи ва прокурор етти мартадан эслатма хати юборишди. Денгизда акулани тутиш осон, лекин сизни тутиб бўлмайди!

— Уйлансак қуйилиб қолямиз, хўжайин, — деди кекса қуёв айрим қайсар фактлар қаршисида ҳоли танг қолиб.— Лекин бир илтимосим бор. Кассирликдан кетганими идорадагилар-ку тушунар, лекин бўлажак келинингизга қандай тушунтираман. Бу қодиса тўйнинг белига тепмаса, деб қўрқаман-да.

Хуллас, тўққизинчи тўй яхшилик билан ўтмайдиганга ўхшаб қолди. Шу можаро устида А. Турдиқулов бошқа ишга олиниб, мулойимгина бош зоотехник Х. Исканов совхозга директор бўлиб қолди. Ҳаммаларнинг кўнглига йўл топиш принципини тутган Исканов кекса ошиқнинг сазоси ўлмасин дедими, ёки тўй бузилмасин дедими, ҳар қалай, уни бир поғона кўтариб қўймоқчи бўлди: «Обшепит»га мудир бўласиз. Буёғи сан же, ман же, маошингиз ҳам кассирликдаги етмиш сўм ўрнига саксон сўмга ошади. Марҳамат, тўйни ҳам бошлайверинг...

— Маоши бўлмаса ҳам менга кассирликни беринг! — куёв катъий талаб қўйди. —Мен сизга айтсам... пул санашни яхши кўраман. Ўн олти йилдан буён шунга ўрганганман. Бу «Обшепит» деган матохингизнинг бир ойда минг сўмлик ҳам обороти йўқ...

«Эҳ, эсиз ўша кассирлик кунларим, — кекса ошиқ эски ғўшенгани эслагандек хаёл суриб кетди. — Бир кунда қўлимдан қирқ-эллик минг сўмгача пул ўтарди-я. Бир сафар банкдан бир йўла 80 минг сўм пул олибман денг. Шунда десангиз, Икром Раҳматов деган ишчининг ўрнига қўл қўйиб 90 сўмини чўнтакка урдим. Мансур Носиров деганнинг 73 сўмини чап чўнтагимда қолдирвордим. Шунда ҳам кафтимнинг қичиғини қондиролмай, қўшним Отажон Баҳриддиновнинг уйига бостириб киодим. Хотинига шилқимлик қилиб қолувдим, бошимга тушган қосовнинг зарбидан кўзимдан олов чиқиб кетаёзди. Бу ердан чиқиб, область Советининг депутати С. Б. исмли соғувчиникига йўл солдим. Отаси билан ўртоқман, аввал отасини сўрадим. Отаси йўқ экан. Бучдай қулай вақт бўладими деб чанг солган эдим, ёш қизлар чаққон эмасми, эшикни ёпсам деразадан қочиб чиқиб кетса бўладими? Шундан кейин кўчада аламимдан Баҳриддинов деган эски қўшнимни тутиб пўстагини қоқдим. Жабборхон Умаров деган чала муллони қабристонгача қувиб бордим. Бу ерда бизнинг табаррук онамизнинг мозорлари бор. Муллога тонг отгунча онамнинг ҳақига дуо қиласан деб олдига бир халта пул ташладим. Бу пулларни ёнимдан бериб манми? Абдусаматов, Баҳриддинов, Мирҳамидов, Облоқулов каби бири фермада, бири далада тер тўкиб, бири гаражда қора мойга ботиб юрган бечораларнинг ҳақи-да. Эҳ, ўша кунлар яна қайтиб келармикан? Ё бу дунёдан армон билан ўтиб кетаманми?»

Кекса ошиқ шу хаёллар билан янги директорнинг у ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтиб кўрди. Лекин кассирлик курсисига қайтишнинг йўли кўринмасди. Шундан кейин «Яхши гапга кўнмасанг ўзингдан кўр!» деб бир йўла етти жойга арзнома йўллаб: «Ховос» совхозида мусичаи-бегуноҳларга кун йўқ, мулойимхунук янги директор ҳам эскисининг изидан бораяпти...» деб имзо чекворди. Кекса ошиқни узоқ кутдирмай, айрим идоралардан бирин-кетин жавоб оқиб кела бошлади. Биринчи бўлиб Сирдарё область юстиция бўлимидан, кейин район суди, прокуратура ва милициясидан жавоблар келди. Ҳеч ким бечора ошиқни қувватламас, аксинча, қоралади.

Лекин, пихини ёрган кекса ошиқ анойилардан эмас, эшикни ёпсалар тешикдан, тешикни беркитсалар туйнукдан йўл топарди. Аввалига Сирдарё область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдурасул Холмирзаев қабинетига осонгина йўл топиб, унинг имзоси билан «собиқ кассир А. Абдураззоқов беморлик пайтида меҳнат қонунларига кўра нотўғри ишдан бўшатилган» деган бир энликкина хатни ёздириб олишга муваффақ бўлди. Кейин бу хатнинг қанотида каттароқ эшикларни кўзлаб, Тошкентга — республика Қишлоқ хўжалик министрлигига равона бўлди. Бу ерда министрликнинг юридик бўлими бошлиғи К. А. Жданова рўпара бўлиб, гўё совхоз ишчилар комитетининг розилигисиз ишдан бўшатишди, деб ҳўнграб юборди. Клавдия Андреевнанинг кекса кишига раҳми келдими, ёки унинг ҳам кўнглига йўл топдими, ҳар қалай, ортиқча ҳужжат ҳам сўрамай, суриштирмай, иккинчи хатни — собиқ кассирни бир ярим йилдан сўнг аввалги иш жойига тиклаш ва бекор юрган муддатлари учун ҳақ ундириб бериш ҳақидаги фармойиш хатини тайёрлаб, ҳатто уни министр ўринбосарларидан бирига имзо чектиришга муваффақ бўлди.

Хуллас, министрликнинг 1976 йил 22 июль № 26-106-10 номерли фармойиш хати билан саккиз марта гўшангага кириб, қуюлмаган ва умрбоқий қуюлмайдиган кекса ошиқнинг «даъво»лари юз эшикни айланиб чиқиб, охири бир эшикда «қонун қучоғи»га кирди.

Бироқ совхоз директори Исканов фармойишни бажаришдан бош тортди. «Собиқ кассир А. Абдураззоқов собиқ директорнинг пайтида бўшатилган, иккинчидан, ортиқча кассирлик штати қисқартириб юборилган, бу масала ишчилар комитети, план бўлими, қолаверса, дирекцияда кўрилган ва тасдиқланган. Энди кекса ошиқни бир ярим йилдан кейин қаерга ва кимнинг ўрнига кассир қилиб тиклаш керак?...» Ана шундай жумбоқ билан директор область қишлоқ хўжалик бошқармасига мурожаат қилди. Орадан яна бир кун ўтмай, собиқ кассирнинг ўзи область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Холмирзаев имзолаган янги фармойишни директорнинг столи устига қўйди: «Совхозда иккинчи кассирлик штатини қайта тиклашга рухсат этаман» дейилганди куппа-кундузи битилган ушбу № 16-73 сонли буйрукда.

Шундан кейин собиқ кассирни тикламаслик учун директорда қандай чора қолиши мумкин? Биргина чора—адолатни камситадиган ноҳақ буйруқлардан бош тортиш йўли қолганди холос. Бир ойдан ошиқроқ муддат шундай йўл ҳам тутилди. Бечора директор ғолиб кассир билан бекинмачоқ ўйнагандай унга рўпара бўлолмай, дуч келса идорага киролмай юрди. Ҳар кандай ўйиннинг чеки бўлгандек, бекинмачоқнинг ҳам чеки бор-да, охир. Директорнинг ҳам бардоши тугади. Қолаверса, юқори эрганларнинг кўрсатмасини бажармаслик мумкинми, охир! Шу йил 30 август куни директор ҳам «енгилди».

«...а) Министрлик ва бошқарманинг расмий кўрсатмасига биноан иккинчи кассирлик штати тиклансин.

б) «Обшепит» мудири А. Абдураззоқовнинг 80 сўмлик маоши бекор қилиниб, 70 сўм маош билан кассир қилиб тайинлансин.

Х. ИСКАНОВ, 30. VIII. 1976 й.»

Кекса ошиқ орзиқиб кутилган кассирлик курсисига минганига ҳам мана икки ойча бўлиб қолди. Совхоз маркази Баландчақирда яна орзиқиб кутилган тўй ҳақида ёқимли шов-шувлар кезмоқда. Кекса ошиқ тўққизинчи тўйга карнай-сурнай чалиш арафасида. Ахир, саккизинчи янгамизнинг паттаси қўлига текканига ҳам анча-муча бўлиб қолди. Ёшликда ҳаммаси ўтаверади, лекин кексаликдаги ошиқлик осон эмас. Ҳар қалай, баландчақирлик ғолиб кассирнинг хонадонида ҳадемай карнай-сурнай садолари янграб қолса ажаб эмас. Эшитмадим деманглар, кассир уйланармиш...

Шараф УБАЙДУЛЛАЕВ.

АБАДИЙ, БУЗИЛМАС ДЎСТЛИК

ОЛМАОТА, 22 октябрь. (ТАСС). Октябрь революцияси 50 йиллиги номли Олмаота ип газлама комбинатининг кўп минг кишилик коллективи МХРП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбални, Монголия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясининг аъзоларини бугун саммий, қардошларча қутиб олди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. Новиков, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашимов ва бошқа расмий кишилар олий мартабали меҳмонлар билан бирга комбинатга келдилар.

Комбинатнинг йигирув-тўқув фабрикаси цехларидан бирида Совет Иттифоқи ва Монголия Халқ Республикаси халқлари ўртасидаги дўстликка бағишланган кўп кишилик митинг бўлди. Комбинат партия комитетининг секретари А. Г. Жабагина, СССР Олий Советининг депутати тўқувчи Т. М. Павлова, комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи А. Кувонишбоев, комбинат директори И. П. Стенякин сўзга чиқиб, меҳмонларни саммий табрикладилар.

Митингда ҳозир бўлганлар томонидан саммий кутиб олинган ўртоқ Д. А. Кунаев нутқ сўзлади. Совет Иттифоқи билан Монголия Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар, деди у, бугунги кунда бутун дунё олдида янги, социалистик типдаги муносабатларнинг намунаси бўлмоқда. Бу муносабатлар бой ва ғоят хилма-хил бўлиб, минг-минглаб конкрет, катта ва кичик ишларда мужассамлашгандир.

Сўнгра Д. А. Кунаев Қозоғистон меҳнаткашларининг КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошираётганликлари тўғрисида гапириб берди. Барча совет халқи singari Қозоғистон меҳнаткашлари ҳам, деди у, ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитети собиқадам ва қунт билан ўтказиб келаётган КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин ва яқдиллик билан маъқуллашмоқдалар.

Биз, совет коммунистларига, деб давом этди Д. А. Кунаев, Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташаббусларини монгол коммунистлари жуда кенг ва астойдил қўллаб-қувватлаётганликларини таъкидлаб ўтиш ёқимлидир. Монголия Халқ Республикаси ташқи сиёсат соҳасида Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш йўлини изчиллик билан ўтказмоқда, барча халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик бўлишини ёқлаб чиқмоқда, империализм кучларининг кирдикорларига қарши қатъий курашмоқда.

Митинг қатнашчилари сўзга чиққан ўртоқ Ю. Цеденбални қизғин кутиб олдилар. Ю. Цеденбал митинг қатнашчиларига, улар орқали эса Совет Қозоғистонининг барча меҳнаткашларига ва СССРнинг қардош халқларига сидқидилдан салом топшириб, коммунистик жамият қуришда, тинчлик ва инсоният тараққиёти буюк ишининг тантана қилиши йўлидаги курашда янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувларини тилаб самимий истаклар билдириб, бизни ғоят дўстона кутиб олиб, меҳмондўстлик кўрсатганлигингиз учун самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз, деди.

Совет халқи эришган муваффақиятлар, унинг янги жамият қуриш соҳасидаги битмас-туганмас тажрибаси, КПСС билан Совет давлатининг доно, принципиал ташқи сиёсати барча халқлар учун, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашаётган ҳамма кишилар учун ажойиб илҳомбахш намуна бўлиб хизмат қилади.

Биз қатъий аминмизки, деб таъкидлади нотиқ, партия-ҳукумат делегациямизнинг ушбу визити натижалари партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик ва қалин ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш ва кучайтириш ишига хизмат қилади. КПСС ва Совет давлатининг раҳбарлари билан Москвада бўлиб ўтган учрашувлар ва олиб борилган музокаралар МХРда ва СССРда социалистик ва коммунистик қурилиш, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ҳамкорлигимизни янада кучайтириш масалалари юзасидан, шунингдек халқаро проблемалар юзасидан партияларимиз ва ҳукуматларимизнинг тўла ҳамфикр эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги атоқли курашчи шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг тинимсиз куч-ғайрат сарфлаб, ташқи сиёсат соҳасида активиш олиб бораётганлиги натижасида, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бир-бири билан келишган ҳолда ташаббус кўрсатиб ҳаракат қилаётганликлари туфайли кескинликни юмшатиш ҳозирги жаҳон тараққиётида устун тенденцияга айланмоқда, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча принциплари эса халқаро муносабатларнинг ҳамма эътироф этган нормасига айланиб бормоқда.

Ю. Цеденбал ўз нутқининг охирида социалистик Монголия коммунистлари ва меҳнаткашлари номидан содиқ дўсти ва оғаси — қаҳрамон совет халқига СССРда коммунизм қуришдан иборат буюк ишда, бутун дунёда социализм ва тинчлик идеалларининг тантанаси учун олиб борилаётган олижаноб курашда янги катта муваффақиятлар тилади.

* * *

Д. А. Кунаев билан Ю. Цеденбал нутқлари зўр эътибор бериб тингланди, давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турли.

Митинг совет ва монгол халқлари ўртасидаги бузилмас, қардошларча дўстликнинг, мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорликнинг ёрқин намойишига айланди.

ТЕРИМДА ЗЎР УЮШҚОҚЛИК ВА ЖАСОРАТ КЎРСАТАЙЛИК!

СУРЪАТ СУСАЙМАЙДИ

Районимиз пойтахт областининг йирик пахтакор районларидан бири ҳисобланади. Пахтакорларимиз катта майдонларда йил сайин мўл ҳосил етиштириб келмоқдалар, давлатга тобора кўпроқ «оқ олтин» топширяптилар. Улар КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларига жавобан бу йил гектаридан 32,1 центнердан ҳосил олиш ва ҳосилдорликни ўтган йилдагига нисбатан 2,6 центнер ошириш, давлатга 50 минг тонна «оқ олтин» топширишга ваъда беришган. Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари сиёсий-ташкилотчилик фаолиятларини ана шу вазифага бўйсиндирдилар. Улар бутун диққат-эътиборни пахта етиштириш агротехникаси тадбирлари комплексини ўз вақтида ва сифатли қилиб амалга ошириш ҳамда шу тариқа барча майдонда юксак мажбуриятли муваффақиятли бажариш имконини берадиган даражада ҳосил тўплашга қаратдилар.

Пахтакорларимизнинг мўл ҳосил етиштиришдаги маҳоратги бу йил ҳар қачонгидан кўра кўпроқ намоён бўлди. Улар бой тажрибаларни ишга солиб, баҳорда об-ҳаво шароити қулай келганлигидан омилкорлик билан фойдаландилар. 15540 гектар майдонга чигит агротехника муддатларида сифатли қилиб экилиб, текис ундириб олинди. Барча майдондаги ғўза сифатли парвариш қилинди. Натижада, у нормал ўсди ва ривожланди. Ҳосили мўл бўлди ва эрта етилди.

Лекин КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Қозоғистон партия-хўжалик активи кенгашида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, иш фақат мўл ҳосил етиштиришнинг ўзи билангина битмайди. Энг муҳими етиштирилган барча ҳосилни тез суръатлар билан қисқа муддатда йиғиб-теріб олиб, давлатга топшириш, белгиланган план ва мажбуриятни барвақт адо этиш керак. Бунга эса ҳосил теримини кенг машиналаштириш орқали эришиш мумкин. Район партия комитети буни эътиборга олиб, машина теримига тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор берди. Аввало, район хўжаликларида мавжуд бўлган 300 та терим агрегати, тележкалар, транспорт тракторлари вақтида пухта ремонт қилинди. Бу терим техникасини бутун мавсум давомида тўхтовсиз ва юқори унум билан ишлатиш имконини берди. Ғўзанинг барги ўз вақтида тўктирилгани ва терим машиналарининг унумли ишлаши учун кенг иш майдони вужудга келтирилгани ҳам катта роль ўйнади.

Район партия комитети теримнинг дастлабки куниданоқ колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларидан ҳар бир терим машинасининг кучидан имкони борича тўлароқ фойдаланиш, унинг бункеридан кун сайин кўпроқ пахта тўкиш ва шу тариқа пахта териш ҳамда тайёрлашда юксак суръатга эришишни қатъий талаб этди. Уларнинг диққат-эътиборини механик-ҳайдовчилар ва теримчиларнинг социалистик мусобақасини тўғри йўлга қўйиш, илғорларнинг тажрибасини кенг оммалаштириш, далада ишлаётганларга зарур маданий-маиший шароитлар яратиб бериш масалаларига қаратди.

Маълум мақсадни кўзлаб олиб борилган сиёсий-ташкилотчилик иши, район меҳнаткашлари сарфлаган катта меҳнат қувончли натижа берди. Техниканинг кучидан самарали фойдаланилгани, терим машиналари икки сменада тўхтовсиз ишлатилгани туфайли йиғим-терим суръати ниҳоятда тезлашди. Далалардан кун сайин кўпроқ пахта териб олинди. Бу 43250 тоннадан иборат халқ хўжалик планини белгиланган муддатдан илгари 12 октябрда бажариш имконини берди.

План бажарилганидан сўнг ҳеч ким хотиржамликка берилмади. Аксинча терим суръати янада жадаллаштирилди. Механизаторлар ўзларининг «пўлат от»ларини янада дадилроқ бошқардилар. Теримчилар ғайратга-ғайрат қўшиб ишлашди. Ҳозиргача давлатга топширилган пахтанинг миқдори 45550 тоннадан ошди. Ҳар гектар ердан эса пландаги 27,8 центнер ўрнига 29 центнердан ортиқ пахта териб олинди. Планни жуда эрта бажарган ва ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топшираётган Свердлов номли, Охунбобоев номли, «Северний маяк», Куйбишев номли, Терешкова номли, Энгельс номли ва Ленин номли колхозларда ҳосилдорлик ҳозирнинг ўзидаёқ 30 центнердан ошиб кетди. Кан О. Нам, С. Хўжаев, Э. Абдуллаев, А. Товбоев бошлиқ ва бошқа бригадалар 40 центнерлик маррадан ўзиб кетдилар.

Район механизаторлари пахтани машина билан териш юзасидан белгиланган топшириқни анча ошириб бажардилар. Улар пландаги 30750 тонна ўрнига 37366 тонна пахта теришди. Илғор «Северний маяк» колхози давлатга пландаги 4050 ўрнига 4800 тонна, Охунбобоев, номли колхоз эса 3950 ўрнига 4700 тонна пахта сотди. Бу хўжаликларда ҳосилнинг 93-98 процента машиналар билан териб олинди. Агар район бўйича ҳар бир терим агрегати билан ўрта ҳисобда 124 тоннадан пахта терилган бўлса, бу соҳадаги кўрсаткич «Северний маяк» колхозида 170 тоннани, Свердлов номли колхозда 155 тоннани ва Охунбобоев номли колхозда 140 тоннани ташкил этди. Б. Нуриев, А. Шераліева, С. Шеримбетов, М. Сайфуллина, Ж. Нуров каби пешқадам механик-ҳайдовчилар 210-275 тоннадан пахта теришди.

Пахта учун кураш давом этмоқда. Ҳозир далаларда 22 минг теримчи, 39 та кўсак узиш машинаси, 25 та механик-подборщик ишламоқда. Терилган кўсак 156 кўсак чувиш машинасидан пешма-пеш чиқарилиб, давлатга топширилятпи. Район партия комитети, колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари ва хўжаликлар маъмурияти ҳосилнинг қолган қисмини тезроқ йиғиб-теріб олиш ва мажбуриятни ҳам муваффақиятли бажариш чораларини кўрмоқдалар.

М. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари.

Балиқчи районидаги Куйбишев номли колхознинг механизатори Ҳомид Мирзақулов ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳар соатидан унумли фойдаланмоқда. Моҳир механик-ҳайдовчи «зангори кема»ни тадбиркорлик билан ишлатиб, хирмонга барака киритяпти. Суратда: Ҳ. Мирзақулов.

У. Раҳимов фотоси.



Ҳазорасп районидаги Жданов номли колхознинг ёш механизаторлари Зевар Жуманиёзова ва Дилором Рўзиметовалар шу долзарб кунларда хирмонларга тўрт-беш тоннадан бункер пахтаси тўкмоқдалар. Суратда: З. Жуманиёзова ва Д. Рўзиметовалар.

Ш. Раҳимов фотоси.

ЯНА ЕТТИ ЦЕНТНЕРДАН

БЕКОБОД. Навоий номли колхоз «оқ олтин» ижодкорлари район хўжаликлари орасида биринчи бўлиб давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажарган эдилар. Она-Ватан навоийлик заршунослардан 4275 тоннадан зиёд қимматбаҳо хом ашё қабул қилиб олди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди. Бу йил колхоз пахта далаларида 30 дан ошиқ «зангори кема» тўла қувват, юқори унум билан ишлаб турди. «Пўлат от» суворийлари йиғим-терим қаҳрамонлари бўлишди. «Пўлат этак»лардан 2850 тоннадан зиёд жавохир тўкилди.

Хўжаликнинг улкан «оқ олтин» хирмонига Мавлон Жўраев раҳбарлик қилаётган 2-участка, Маматмурод Тошбоев бошчилигидаги 3-участкаларнинг азамат пахтакорлари муносиб улуш қўшдилар. Бу участкаларда ҳар гектар ердан 30 центнерга етказилиб ҳосил теріб олинди. Мирзали Ўрозалиев, Суюн Абдуллаев, Облоқул Мамаюсупов, Норча Маматқулов, Хонимқул Норжигитов, Қаршибой Жўраев раҳбарлик қилаётган пешқадам, юқори ҳосилли бригадаларда айни кунда 40-45 центнерлик улкан хирмон учун қизғин кураш боряпти.

Хўжалик баҳодирлари етиштирилган мўл ҳосилнинг бир мисқолини ҳам ерда қолдирмай териб олиб, республикамизнинг 5 миллион 300 минг тонналик улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун терим суръатини пасайтирмаётирлар. Улар ҳар гектар ердан яна 7 центнердан ҳосил териб олиш мажбуриятини олдилар.

Т. УСМОНОВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ХАЛҚАРО ОБЗОР

Иқтисодий мустақиллик учун кураш

АҚШнинг қудратли монополияси «Тексако-Галф» филиали билан Эквадор ҳукумати ўртасида бир неча йиллдан бери давом этаётган «Нефть уруши»нинг ҳамма иқир-чиқирларини Латин Америкаси жамоатчилиги зўр эътибор билан кузатиб турибди. Эквадор ҳукумати: монополия давлат ҳазинасига 53 миллион доллар миқдоридаги қарзини тўласин ёки унга концессияга берилган нефть қудуқлари ва ерлар, унинг бутун мулки дарҳол экспроприация қилинади, деб қўйган кескин ультиматум муддати бундан уч ҳафта бурун тугаган пайтда «Нефть уруши» ҳаддан ташқари шиддатли тус олди. «Тексако-Галф» раҳбарлари Эквадор пойтахтига учиб келишди. Улар гоҳ дўқ уришга, гоҳ шайтон йиғи қилишга уриниб кўрдилар. Аммо ҳукумат Эквадор халқининг жуда кенг табақалари қатъий мададига таяниб, ўз сўзида маҳкам турди. Ана шунда монополия таслим бўлди, қарзини тўлади.

Аммо Эквадор халқи сергак турибди. У жароҳатланган вахший баттар хатарли бўлишини билади. «Тексако-Галф» компанияси эса ўзининг вахшиёна ҳаракатини кўпдан бери намойиш қилиб келмоқда. Унинг нефть важидан Эквадор ҳукумати билан олиб борган уруши 1972 йилдаёқ бошланган эди. Ўша пайтда Эквадорнинг шарқий районларидаги чангалзорлардан топилган энг бой нефть конидан дастлабки баррель нефть жаҳон бозорига чиқарилган эди. Табиий ресурслар ва бойликлар министри Рене Варгас айтганидек, «Нефть — Эквадорнинг асосий бойлиги, шу боисдан ҳам ҳукумат уни бутун халққа хизмат қилдиришни кўзламоқда». Ана шу қатъий йўлдан қути учган кўпгина ажнабий компаниялар мамлакатдан туёқларини шиқиллатиб қолдилар. Уларнинг собиқ ер-мулклари ўзра Эквадорнинг уч рангли миллий байроғи ҳилпирай бошлайди. «Тексако-Галф» ва бошқа айрим компаниялар бошқа йўлга ўтишди. Улар ҳамма найрангларни ишга солишди — нефть қувурларида диверсия қилишди, саботаж уюштиришди, мамлакатда иқтисодий тартибсизлик чиқариш мақсадида нефть қазиб олишни жўрттага қисқартириб кўйишди. Ниҳоят, «Тексако-Галф» мамлакатдан олиб кетиладиган нефть учун қонун йўли билан белгиланган солиқни тўлашдан намойишкорона бош тортди.

Аммо империалистларнинг режалари пуч бўлиб чиқди. Бу сафар улар чекинишга мажбур бўлишди. «Гаппнинг сирасини айтганда, монополия тўлаган солиқнинг миқдори унчалик муҳим эмас,— дейилди пан ҳукумати бошлиғи генерал Омар Торрихоснинг Эквадор олий ҳукмрон кенгашига йўллаган табрик телеграммасида, — ажнабий компанияларнинг бизнинг давлатларимиз ва қонунларимизни ҳурмат қилиши тўғрисидаги масала кескин қилиб ўртага қўйилганлиги муҳимроқдир».

Эквадор гарчи муҳим бўлса ҳам, эндигина биринчи қадамни қўйди. «Ҳозир ватанни, унинг келажагини, унинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилишнинг фақат битта йўли бор. У ҳам бўлса — жамики нефтимизни батамом национализация қилиш, «Тексако-Галф»ни мамлакатдан ҳайдаб юбориш, Америка монополияларининг Эквадор давлатига тегишли бўлган миллионларни ўзлаштиришига имкон берадиган аҳволни тугатиш йўлидир», — деб уқтиради Эквадор Компартиясининг «Пуэбло» газетаси.

Замоннинг талаби ана шундай.

Референдум нимани кўрсатди

1972 йилдан бери Филиппинда тўртинчи марта ўтказилган референдум шу мамлакат гражданларининг бундан тўрт йил муқаддам жорий этилган ҳарбий ҳолатни сақлаб қолиш истагини яна тасдиқлади. Бу галги умуммиллий фикрлашув давомида конституцияга киритилмоқчи бўлган бир қанча тузатишлар ҳам маъқулланди. Бу тузатишларда муваққат парламент тузиш кўзда тутилган, парламент депутатларининг бир қисмини президент тайинлайди, қолганлари эса вилоятлар ва шаҳарларнинг йиғилишларида сайланади. Бундан ташқари президентнинг ваколатлари кенгайтирилади, айни вақтда у бош министр вазифасини ҳам бажарадиган бўлади.

Гарчи овоз беришнинг узил-кесил якунлари бир неча кундан кейин маълум бўлса ҳам, ҳозирнинг ўзидаёқ референдумда қатнашган филиппинликларнинг жуда кўпчилиги ҳозирги президент Ф. Маркосни қўллаб-қувватлаб, сайлов қутиларига «ҳа» сўзи ёзилган бюллетенларни ташлади, деган хулосани чиқариш мумкин.

Референдумнинг бундай натижаларини тушунтирмоқ учун Филиппинда ҳарбий ҳолат эълон қилинишидан аввал бўлиб ўтган 1972 йил воқеаларини эслаш лозим. Ўша вақтда мамлакатдаги вазият бениҳоят кескинлашган эди. Ўша пайтда Маркос ҳукумати белгилаган жуда чекланган социал ўзгартишларга ҳам маҳаллий реакцион кучлар тиш-тирноқлари билан қаршилик қилдилар, АҚШ империалистик доиралари шу кучларни қўллаб-қувватладилар. Феодал ер эгалигини тугатиш мақсадини кўзлаётган янги конституция лойиҳаси ва ер ислоҳоти лойиҳаси ҳамда СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатларни нормаллаштириш режалари ўнгларнинг қаттиқ ҳужумига дуч келди. Ўнглар пинҳона фитналар уюштиришдан ҳам, помешчик ва реакцион сиёсатдонлар хизматида бўлган ёлланма шайкалар иштирокида ошкора исёнлар бошлашдан ҳам қайтмадилар. Сиёсий тартибсизлик вазияти миллий қурилиш планларини ва белгиланган ислоҳотларни амалга оширишга имконини бермади. Айни шунинг учун ҳам 1972 йил сентябрида Филиппинда ҳарбий ҳолат жорий этилди, бу эса реакция кучларига зарба урди. Бироқ, шуни айтиш керакки, айни вақтда демократик та ташкилотлар ҳамда шахслар ҳам репрессияга дучор қилинди.

Ўтган тўрт йил мобайнида Ф. Маркос ҳукумати ер ислоҳотини амалга ошириш йўлида дастлабки қадамларни қўйди. Мамлакатнинг кўпчилик районларидаги сиёсий вазият стабиллашганлиги туфайли экономикани бир мунча соғломлаштиришга муваффақ бўлинди. СССР билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги, бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатлар нормаллаштирилганлиги ташқи сиёсат соҳасидаги янги тенденцияларнинг энг яққол кўриниши бўлди.

Филиппин матбуотининг таъкидлаб ёзишича, референдум якунлари президент ўтказаётган ташқи сиёсат ва, жумладан, АҚШга қарамликни камайтириш йўли маъқулланганлигидан ҳам далолат беради. Манила газеталарининг фикрига қараганда, Ф. Маркоснинг катта ғалабаси Филиппиндаги Америка ҳарбий базаларининг статуси тўғрисида АҚШ вакиллари билан ўтказилаётган музокараларнинг тугалловчи босқичида президентнинг позициясини кучайтиради. Шу музокараларда Филиппин Америка ҳарбий базалари устидан ўз контроллигини ўрнатишни талаб қилмоқда.

В. ХОРХОРДИН,
С. ФРОЛКИН,
(ТАСС).

ШОЛИ—ДАВЛАТГА

Тошкент область Қуйи Чирчиқ районидаги «Ленинград» колхозининг деҳқонлари шолини йиғиштириб олишни тамомладилар. Худди ана шу ерлардан яна бир ҳосил — соя ҳосили олинди. Соя кўкламда шолиполяларга экилган эди. Ғаффор Юнусов, Борис Хан бошлиқ ва бошқа бригадалар гектаридан 77 центнерга қадар шоли ва 4 центнердан соя йиғиштириб олдилар.

Қуйи Чирчиқ районидаги Ленин номли, Димитров номли, «Заря коммунизма» колхозлари ва бошқа хўжаликларнинг далаларида ҳам битта ернинг ўзидан ҳам шоли, ҳам соя олинди.

БОҒБОНЛАР ВА СОҲИБКОРЛАР ЮТУҒИ

Ховос районидаги «Ширин» совхозининг боғбонлари ва соҳибкорлари ўнинчи беш йиллиннинг дастлабки йилида ҳар қачонгидан ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Натижада, хўжалик боғлари ва узумзорларида мўл-кўл ширин-шакар мевалар етиштирилди ва улар қисқа муддатларда йиғиштириб олинди. Эл дастурхонига жами 2295 тонна хўл мева, 80 минг тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари топширилиб, бу соҳадаги йиллик план анча ошириб адо этилди.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КОМБИНЕЗОН КИЙГАН ҚИЗЛАР

Пахтазордан репортаж

Машиналар бир маромда ишлаётган пахтазор чиройига боқиб, тўймасан киши. Агрегатлар двигателининг гуриллаши бу ёқимли манзарага янада файз киритади. Айниқса, механик-ҳайдовчилар комбинезонини кийган, бошига қизил дурра тақкан «капитан»ларнинг ўз ишларига моҳирлигини айтинг?! Машиналар иш сифатини текшириб юрганмиз, бирон жойда ерга тўкилган ёки чаноқда чуваланган пахтани кўрмадик.

— Механизаторлар маҳоратига тасанно! — деди область вакили мамнунлигини яширолмасдан. — Касбларини анча пухта эгаллашибди.

— Ўзларим биринчи йил машина ҳайдашлари эмасда, — деди меҳмоннинг фикрини маъқулларкан инженер Турғунпўлат Абдуллаев.

Бу орада биринчи марта эгатга машина киритган Ҳабиба Домлажонова картанинг нариги четига бориб қайтди. Бурилиш майдончасида уни кутиб турган тележка томон юрди-да, пахтага лиқ тўлган бункерни агдарди.

— Биринчи «патир»ми? — деди шу вақт етиб келган колхоз партия комитетининг секретари Ғуломжон Долимов. — Яна дастлабки, бункерни Ҳабиба терибди. Яшавор, қақажон қиз.

Кейин у бурилиш майдончасида айланиб эгат сари бурилган машина олдига тез юриб борди. Механик-ҳайдовчидан нималарнидир сўради. Сўнг қўли билан «юравер» деган имо қилдида, ёнимизга қайтиб келди.

— Бугун камида 5 бункер бўшатаман, деяпти. Бу 8-9 тонна пахта деган гап.

Ҳамроҳларимиздан кимдир луқма ташлади:

— Техника шарофатида бу. Бўлмаса, Ҳабибага ўхшаган чевар қизларнинг 130-140 таси терарди бунча пахтани. Бел букиб, тер тўкиб, елкасига ортмоқчилаганини айтмай қўя қолайлик.

Партком секретари унинг гапига қўшилди:

— Тўрт қиз бугун 25 тонна пахта теришга бел боғлашибди.

Ғуломжон Долимовнинг шу сўзлари баҳона бўлдию, бир пасра яна эътиборимни жалб қилди. Ажабо, группадаги машиналарни бошқараётган механик-ҳайдовчиларнинг ҳаммаси қизлар. Ҳатто, уларнинг сменадошлари ҳам қиз-жувонлардан. Бунинг боисини партком секретаридан сўрадим.

— Бу, қизлар группаси, — деди Ғуломжон ака жилмайиб, ташқил этилишининг ҳам тарихи бор. У қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

1975 йил январь ойи бошларида раис хонасига тўрт қиз кириб келди.

— Келинглар, қизлар, — деди колхоз раиси Абдували Алиматов илиқ қаршилаб. — Қандай шамол учирди?

— Шамол эмас, бир истак бизларни бу ерга етаклади, — деди қизлар ичидан шаддотроғи Ҳабиба Домлажонова. — Район марказида уч ойлик механик-ҳайдовчилар тайёрлаш курси очилаётганмиш. Шунга ўқишга бормоқчимиз, йўлланма сўраб кирдик. Кузда машинада пахта терамиз.

Абдували ака мулойимгина жилмайди.

— Истакларинг яхшику-я, лекин бу қисқа курсга фақат механизаторлик тажрибаси борларни қабул қилишади. Эшитмабсизлар-да!

Энди Ҳабиба мулойимлик билан илжайди.

— Раис тоға, ҳабарингиз бор-ку, биз мактабда механизаторликни ўрганиш курсини ўтганмиз. Аттестат билан бирга гувоҳнома ҳам беришган.

Раис қаҳ-қаҳлаб кулди. Шу куниёқ қизларга йўлланма берилди.

Ўқишни битириб келган қизлар ёз ойида яна раис хонасига кириб келишди.

— Механизатор бўлиб ишлаяпсизлар, шекилли, — деди энди раис чинакамига ҳайронлик билан. — Кузда терим машинаси берамиз. Яна қанақа арзларинг бор?

Бу гал Ҳабиба ялинганнамо гапирди.

— Охирги илтимосимиз: тўртовимизни алоҳида группа қилиб ажратсаларингиз. Ёрдамчиларни ҳам ўрта мактабни бу йил битирган қизлардан ўзимиз танлаймиз. Фақат механик берсаларингиз бас.

Раис маслаҳатлашиб кўришга ваъда берди.

Рост-да, ахир, бус-бутун 4 та машинани қолаверса, алоҳида бир группани кечагина мактаб партасидан чиққан қизларга бериб бўлармикан? Группа теранган пахтанинг ҳисоб-китоби бор. Правление ва партком аъзолари бир оз тортишганларидан кейин қизлар талабини қондиришга розилик беришди. Инженер Абдуллаев группага оталиқ қиладиган бўлди.

Ишончда ҳикмат кўп. Қизлар сўзларининг уддасидан чиқишди. Тўрт қиз ўтган йили 589 тонна пахта теришди. Ҳабибанинг бир ўзи 185 тонна ҳосилни бункердан тўкди.

Бултурги ҳосил йиғим-теримида анча тажриба тўплаб қолган қизлар бу йил юксакрок маррани кўзлашяпти. Мавсумда камида 800-850 тонна пахта териб беришга аҳд қилишган...

«Зангори кема»лар оҳиста сузаётган пахтазорга ҳавас билан тикиламиз. Штурвалда комбинезон кийган қизлар. Машиналар ишончли қўлларда. Учқўрғон районидаги «Ленинград» колхозида ўз меҳнатлари, эл-юрт ишига фидокорликлари, доимо янгилик сари интилишлари билан танилаётган Ҳабиба, Марҳабо, Заҳро ва Карималарни ҳар қанча мақтасанг, ёзсанг озлик қилади. Улар ўз ишлари билан эл олдига тушишяпти.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахтакорлари «оқ олтин»дан баракали хирмон уймоқдалар.

А. Абалян фотоси.

Пекиндаги намойиш тўғрисида Синьхуа агентлигининг хабари

ПЕКИН, 22 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги Пекинда кеча бўлган намойиш тўғрисидаги ахборотни эълон қилди. Шу муносабат билан ахборотда бундай дейилади: ХКП Марказий Комитети «Партияда ва давлатда олий ҳокимиятни босиб олишга уринган Ван-Хун-вэнь, Чжан Чунь-цяо, Цзян Цин ва Яо Вэнь-юандан иборат партияга қарши гуруҳнинг шум ниятларини бир зарба билан барбод этди».

Синьхуа агентлиги ана шу ахборотда Хуа Го-фэнни биринчи марта ХКП Марказий Комитетининг Раиси ва ХКП Марказий Комитети ҳарбий кенгашининг раиси деб атади.

Адабиёт САҲИФАСИ

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ АРБОБЛАРИ, МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ! СОВЕТ САНЪАТИНИНГ ПАРТИЯВИЙЛИГИ ВА ХАЛҚЧИЛЛИГИ БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КУТАРИНГИЗ! ЎЗ ТАЛАНТ ВА МАҲОРАТИНГИЗНИ ХАЛҚ ХИЗМАТИГА, КОММУНИЗМ ИШИГА БАҒИШЛАНГИЗ, УЛУҒ ВАТАНИМИЗГА МУНОСИБ АСАРЛАР ЯРАТИНГИЗ!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

ТОЖИКИСТОНДАН ХАТ

МЕҲРИМИЗ ЖИЛОСИ

Жалол ИКРОМИЙ,
тожик ёзувчиси, Рудакий номли Тожикистон ССР Давлат мукофоти лауреати

Жуда катта меҳнат талаб қилган йил бўлди бу йил. Серташвиш баҳордан кейин жазирама ёз келди. Одамлар ҳам, жамики ўсимликлар ҳам сувга интиқиб, салқинликни қўмсадилар. Шу-шу, пахтакор деҳқон бошида ташвиш кўпайди. Лекин ташвишу меҳнатни енгиш учун ғайратни ишга солди. Ажойиб ғайрат ва ҳиммат билан қилинган меҳнат туфайли пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.

Куз — йиғим-терим фасли, ҳалол меҳнат маҳсулини жамғариш онларидир. Шу ҳам қувончлики, пахтакор халқларимиз — ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва озарбайжонликлар қўлни-қўлга бериб ва бир-бирлари билан мусобақа қилишиб, она-ердан ундирган улкан ҳосил эндиликда мусобақа натижалари сифатида қўлга киритилади, хирмон қилинади.

Социалистик мусобақанинг ажойиб намунаси яқинда Ўзбекистон ва Тожикистон матбуотида ёритилди. Чунончи, Тожикистон ССРнинг Регар районидаги Ленин номли ҳамда Тошкент областининг Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз пахтакорларининг кўпдан буён социалистик мусобақа йўли билан бири-бирига шогирд, бири-бирига устоз бўлиб, ҳамкорлик қилаётганликлари меҳнатда тобланган чинакам дўстлик ва қардошликнинг ажойиб рамзидир. Икки қардош республика колхозчиларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги туфайли пахта ҳосили йилдан-йилга кўпаймоқда. Пахтакорлик шарафи ортиб бораётир.

Биз — тожик ёзувчилари билан ўзбек адиблари орасида ҳам ўзаро ёрдам ва мусобақанинг ўзига хос формалари мавжуд эканлиги ва яхши натижалар бераётганлиги ҳаммамизга аён. Анъанага айланиб қолган адабиёт ва санъат декадалари, ҳафталиклари ана шундай ўзаро алоқа ва бир-бирига ёрдамнинг энг яхши янги формаларидандир. Бу учрашувларда қардош адабиёт вакиллари дийдор кўришиб, бир-бирларининг асарларини муҳокама қиладилар дўстона фикр ва маслаҳатлар берамиз, бир-биримизга кўмак кўрсатамиз. Зотан, Совет адабиётли кўп миллатли адабиётдир. Қардош адабиётларнинг ўзаро таъсири ва тажриба алмашувлари туфайли тўхтовсиз гуллаб-яшнаши диққатга сазовордир. Эндиликда Совет адабиётини, чунончи, Горький, Маяковский, Шолохов, Фадеев, Тихонов, Сурков, Марков асарларисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидек, Мухтор Авезов, Берди Кербобоев, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Чингиз Айтматов, Расул Ғамзатов, Мирзо Турсунзода ва бошқаларнинг бадиий ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тожик ва ўзбек адабиёти алоқалари қадим тарих ва бой адабий традицияларга эгадир. Бунинг боиси шуки, тожик ва ўзбек халқлари бир заминда яшаб, ягона мақсад йўлида биргаликда курашиб келганлар. Уларнинг урф-одати, музикаси ва бадиий завқи ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига монанд ва бир-бирига яқиндир. Шунинг учун ҳам асарларимизнинг қаҳрамонлари, уларнинг руҳий ҳолатининг психологик тасвири асарларимизда аксар бир-бирига ҳамнафас. Шу боисдан ҳам бизда таниқли танқидчи Отахон Сайфуллаев Ўрта Осиё халқлари адабиётларининг ўзаро таъсири масалаларини ўз илмий ишининг мавзуи қилиб олди. Дарвоқе, бизнинг адабиётимиз ва ижодиётимиз бир-бирига яқин ва иноқдир. Мен Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» романи таржимасини таҳрир қилиш жараёнида шу хулосаларимнинг тўғрилигига яна қаноат ҳосил қилган эдим. Абдулла Қодирий, Ойбек яратган тарихий романларни ўқиб, ўз ижодиётимда улардан сабоқ олганман. Назир Сафаров, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий, Саид Аҳмад ва бошқалар қаламига мансуб романлар мутолаасидан файз ва завқ олишимга шу боиски, мен уларда ўз асарларим ва бошқа тожик адибларининг асарларида бўлганидек, образлар, тасвир ва манзараларни кузатаман. Мен Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Ўткир Хошимов ва бошқаларнинг ижодий муваффақиятларидан жуда-жуда ҳурсандман, мамнунман. Мен ўзбек драматургияси асосчиларидан бири, ҳурматли дўстим Комил Яшин пьесаларини томоша қилатуриб, уларда тожик халқининг ҳам ўтмиш тарихи ва бугунги ҳаётий лавҳаларини мушоҳада қиламан. «Инқилоб тонги» пьесаси эса, менинг «Бухоронинг 12 дарвозаси» романларим трилогиясига яқин ва бир мавзуда ёзилгандир.

Асарларимизнинг бундай ҳамоҳанг ва бир-бирига яқин бўлиши бизни бир-биримизнинг ижодимиздан хабардор бўлиб, тажриба алмашиб туришга ундайди. Колхозчиларимизнинг пахта ҳосили қанча кўпайса, биз ёзувчилар ижодиёти ҳам шунча ривожу равнақ топади, чиройи касб этади, зеболанади. Зеро, адабиёт ва санъат халқ ҳаёти, меҳнати ва муваффақиятидан илҳом олади. Совет ёзувчиси халқ билан бирга нафас олади. Меҳнаткаш халқ иши ва курашини таъриф-тавсиф этишгина эмас, балки ўша катта ва улуғвор ишларга ундайди, зафар ва ғалабаларга чорлайди. Биз халқ ҳаётига шу тариқа ҳамиша ва бевосита аралашиб келмоқдамиз. Элнинг ютуғи бизнинг ҳам муваффақиятимиздир. Элнинг ташвиши бизни ҳам изтиробга солади. Шунинг учун ҳам биз, ёзувчилар, пахта терминни завқ-шавқ билан кутиб оламиз, қўлдан келганча бу катта ва шарафли ишга кўмак кўрсатамиз, эл хирмонига ривожу равнақ тилаб, жадал ҳаракат қиламиз.

Эндиликда бутун йил бўйи қилинган меҳнат маҳсули йиғиштириб олинмоқда. Экин майдонларида барқ уриб турган «оқ олтин» дўрдоналари нес-нобуд қилинмай йиғиб териб олиниши керак. Биз ишонамизки, ўзбек, тожик, туркман, қирғиз ва озарбайжон деҳқонлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг бизни ҳушнуд этган ва янги-янги меҳнат марраларига илҳомлантирган «олтин қўлли пахтакор» деган сермазмун ва доно сўзларидан завқланиб, Ватанга ваъдадан ҳам ортиқроқ пахта берадилар, ёруғ юз билан партия ва Ватанга ғалаба рапортларини топшириб, пахтакорлик шарафини янада улуғлайдилар.

Душанба шаҳри.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

МОНУМЕНТ ЁНИДА

Эгам РАҲИМ.

Монумент ёнида машъал ёнади,
Йўл бўйлаб қудратли оқим оқади...

Ватан деб жон берган марду-майдонлар
Хотирасигадир ушбу обида,
Нурли кунлар учун қурбон бўлганлар
Мангуга яшайди халқнинг қалбида.

Яхши эскимизда — ҳали яқинда
Нур салобат билан кўтарганда қад.
Ғалаба байроғин муқаддас кунда
Бутун замин бўйлаб элтди гўё қалб.

Катта йўл ёқасин эслатар тошлар,
Эл мардлар ҳурматин тутиб ўтади.
Ватан хизматига шайланган ёшлар,
Бу ерда қасамёд қилиб кетади.

ЮРАГИНГ ҲАҚИҚАТ ЧЎҒИДА ЁНДИР

Инсон яхши ҳислат билан инсондир,
Яхши ҳислат унга бағишлар чирой.
Қалбингни ҳақиқат чўғида ёндир,
Эл ташвиши юрагингдан олсин жой.

Ҳақни де, ноҳақни тилингга олиб,
Гувоҳликка ўтиб қуруқ лоф урма.
Эл ичра беҳуда гап-сўзга қолиб,
Умрингни изларга бурма.

Миш-мишга берилма фисқу фасоддан,
Одам аҳир қачон кўрипти фойда.
Ҳеч наф чиқармиди сўнгги фарёддан,
Дилга яра қўнар ифво бор жойда.

Бўлсин қаддинг расо, сўзингда субут,
Камтар бўл, дилкаш бўл, ҳеч катта кетма.
Асабга тизгин бер, тут ўзингни тут,
Сиз-биз деган сўз бор, сан-манга ўтма.

Умр деган нарса беҳисоб эмас,
Йўлларингда яхши излар солиб кет.
Инсон дўстсиз ўтган кунни кун демас,
Яхшилар қалбида мангу қолиб кет.

Инсон яхши ҳислат билан инсондир,
Яхши ҳислат унга бағишлар чирой.
Қалбингни ҳақиқат чўғида ёндир,
Эл ташвиши юрагингдан олсин жой.

ХИРМОНГА БАРАКА

Хирмонга барака, яхши одамлар,
Тиғиз кунлар келди, долзарб дамлар.
Кўркам якунларнинг ишқида ёнинг,
Кунларда муносиб енгни чизганинг.

Ҳамишалик сизга зафар ёр бўлсин,
Ниятлар меҳнатда барқарор бўлсин.

Кўкўпар хирмонлар бунёд этайлик,
Эл-юртимиз кўнглини шод этайлик.

Совғамиз муносиб бўлсин байрамга
Юксак парвоз, омад тилаймиз сизга
Бу катта курашда биз довонларга
Етурмиз ва бўлар тўю томоша.

ЎЗИНГ МАДАДКОР

САЙЕР.

Минг саккиз юз ўн иккинчи йил...
Уруш борар,
Россияда тўкилмоқда қон.
Ойна кўллар синади чил-чил,
Туёқлар остида талвасада жон.
Наполеон оқ оти бесабр, гижинг,
Довулдай қақшатиб, босиб келади.
— Руслар, жонни сақлаб, Москвадан кечинг!..

Кечмаганни бир-бир осиб келади.
Уруш боряпти,
Ҳаёт-мамот жанги,
Ўрмон қулаяпти, ўрмондай одам,
Осмонни тешади замбарак жаранги.
Французлар ташлаяпти олга қадам!
Кутузов қўмондон,
Бир кўзни қисиб,
Ҳаёлдай паришон сочин тутамлар.
Танаси бормокда мис каби қизиб,

Боласи тенгни ҳам сийлаб: «отамлар».
Черковга йўллашди:
— Худо ёр бўлсин!
Чўқининг, — дейишди.
Бош эгди Кутузов:
— Душманнинг кўргани зах мозор бўлсин!
Борайлик, қўймайлик ёвни кутказиб!
Черковдан чиқаркан, ортга қаради,
Олтин бош Москва тўқарди виқор.
Унга таъзим қилди,
Қалби яйради:
— Москва, ўзинг бўл мададкор!

ОЙИМ, ЎЗИМ, СИНГЛИМ ҲАҚИДА

Бола эдим,
Эркароқ эдим,
Томдан-томга сакраб юрардим.
Бир кун агар танбеҳки едим,
Ун кунгача сачраб юрардим.
Синглимга ҳам тинчлик йўқ эди,
Сочларини тортиб қочардим.
Яхши гапим унга дўқ эди,
Ҳаддан ошсам захрим сочардим.
Шунга онам ранжиб қоларди:
— Қийнамагин у бироз ҳасми!
Сўз ханжарин санчиб қолардим:
Қачон кетар, ойи, шу ростми!
«Меҳмон» деса қотиб куламан,
Уз сингилимга қайта қарайман.
«Биров» деса ҳайрон бўламан,
Алдаяпти дейман, яйрайман!
Йиғлар эди сингилим соч ёйиб,
Кетмайман деб қиларди нола.
Менчи, қушдай кенг қулоч ёйиб,
Тошар эдим ҳудди шалола.
— Меҳмонингни қийнама, — дерди,
Онам қилар панду насиҳат.
Йиртар эдим,
гоҳ ёқар эдим,
У номига келса қайси хат.
Кўз олдимда сингилим ҳам ўсди,
Сочи ўсди қайғачдай зич,

Ундан бўлак йўқ яхши дўстим,
Уйда бўлса мен юраман тинч.
Ойим айтган «бировнинг хасми»
Энди ўртаб кўяди гоҳ-гоҳ.
Маҳаллада йигитлар «қасдми!..».
Ҳаммасидан бўламан огоҳ.
Ҳаёт экан...
«Меҳмон» сингилимни Ёр-ёр айтиб олиб кетишди.
Қаттиқ тутдим юмшоқ кўнглимни,
Уз уйига бориб етишди.
Соғинаман сингилимни энди,
Келавермас очиб эшикни.
Онам дейди, ўзидан тинди,
Олиб кетди кеча бешикни.
Оҳ, сингилжон, кечир акангни,
Бебошингининг гуноҳидан ўт.
Топиб кетдинг асил «акангни»,
Ҳеч бўлмаса кўчамиздан ўт.
«Меҳмон» бўлиб келгин, «бировнимм,
Ҳеч бўлмаса келиб-кет ойда.
Сидқидилдан сендан сўровим,
Онанг кутар, узатган жойда.
Онам ҳар кун эшик пойлайди,
Тиқ этганда кўзим тикаман.
Эсганида гоҳ шамол дайди,
Ойна қоқса бир энтикаман.
Онам айтган «бировнинг хасми»
Кириб келди шеърим сатрига.
Бу ҳаётда чалғишлар озми!
Энди етдим бу сўз қадрига.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Фатхулла Абдуллаевич БОБОЖОНОВ

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти коллективи оғир жудоликка учради. 1952 йилдан КПСС аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, доцент Фатхулла Абдуллаевич Бобожонов 22 октябрда 50 ёшида вафот этди. Бевақт ўлим сафимиздан ажойиб педагог ва олим селекционерни олиб кетди.

Ф. А. Бобожонов 1926 йили Тошкентда ишчи — бинокор оиласида туғилди. Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатгандан сўнг 1948 йилдан бошлаб Самарқанд селекция станциясида илмий ходим бўлиб ишлади, СоюзНИХИда аспирантурада ўқиди ва 1958 йили қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ёқлади.

Фатхулла Абдуллаевич ҳамма жойда — Самарқанд области Иштихон МТСида бош агроном, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг олий ўқув юртлари ва аспирантураси бўлими бошлиғи, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети катта референти, Тошкент область ижроия комитетининг раис ўринбосари, кейинчалик Ўрмонжидаг район ижроия комитети раиси Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари ва техникумлари бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги фан бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаганида ўзини ажойиб мутахассис ва ташкилотчи, олий ҳамиятли, ҳақиқий ватанпарвар — интернационалист инсон сифатида кўрсатди.

1967 йилдан бошлаб Ф. А. Бобожонов Тошкент қишлоқ хўжалиги институти селекция ва уруғчилик кафедрасининг доценти бўлди, умрининг охиригача шу ерда самарали ишлади.

Ф. А. Бобожонов Ватанимиз пахтачилик фанини ривожлантиришда кўзга кўринарли ҳисса қўшди. У ёш мутахассислар, шу жумладан, чет эл мамлакатлари учун кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш ишига кўп куч ва ғайрат сарфлади.

Ф. А. Бобожонов коммунистга хос эътиқод ва принципиаллик билан институтда жамоат ишларини олиб борди, илмий даражалар бериш бўйича советнинг илмий секретари бўлди.

Ф. А. Бобожоновнинг фанни ривожлантириш, республикада малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этишдаги хизматлари қатор ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

Содиқ ва талабчан дўст, истеъдодли педагог ва олим, ҳақиқий ташкилотчи, чин коммунист, камтарин инсон Ф. А. Бобожоновнинг ёркин хотираси ҳамкасблари, кўп сонли шогирдлари қалбида абадий сақланиб қолади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

ЕШЛАРНИНГ ҚАЛБ ҲАРОРАТИ — ВАТАНГА

ЮКСАК ИШОНЧ

Еш совет ижодкорининг чексиз инсоний бахти бор: у башариятнинг энг юксак орзу-интилишларини моҳиятмоҳиятида ифода этган тузумнинг фарзанди. Унинг ижоди коммунизм қуришдек олий мақсадлар йўлида меҳнат қилаётган ва курашаётган совет халқи билан чўқур ҳамнафас.

Партия янги жамият кишисини тарбиялаб етиштиришдек улуғвор вазифани амалга оширишда совет адабиёти ва санъатини ўткир таъсирчан воситалардан бири деб билади. Совет адабиёти ана шу улуғ партиявий ишончга ҳамиша муносиб бўлиб келяпти. Совет ёзувчиларининг ҳамма авлоди бадиий сўзни кураш ва тарбия қуроли, одамлар қалби ва маънавиятини гўзаллик қонуниятлари асосида пешловчи куч деган юксак ижодий принципга амал қилиб келмоқдалар. Мана шу принцип биз ёш ижодкорлар учун ҳам муқаддас мезон, ижодий шиордир.

Сўнгги йиллар совет адабиёти бағрига талантли ёшларнинг янги-янги авлодлари қадам қўймоқда. Улар бадиий тараққиётга борган сари каттароқ ҳисса қўшмоқдалар, ижодкор ёшлар ҳозирги кун проблемаларини актив бадиий ўзлаштирмоқдалар, асарларида замондошларимизнинг ёрқин образларини, бой маънавий оламини тўла қонли бадиий акс эттирмоқдалар.

Партия, халқ, Ватан бадиий маданият келажаги — ёшларнинг истеъдоди тинимсиз равнақ топиши ва ижодида янги улкан ютуқларни қўлга киритиши учун чексиз ғамхўрликлар кўрсатиб келяпти. Бир неча йил бурун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикамиз ёш бадиий зиёлилари билан ишлашни янада яхшилаш тўғрисида қабул қилган қарори маънавий ва ижодий ҳаётимизда катта воқеа бўлган эди. Бу қарор Ўзбекистон адабиёти ва санъати соҳасидаги ёшларга ҳар тарафлама қулай ижодий шарт-шароитлар ва имкониятларни юзага келтирди.

Мана, эндиликда биз КПСС Марказий Комитетининг ижодкор ёшларга доир янги муҳим қарорининг гувоҳи бўлдик. Мазкур қарор ижодкор ёшлар билан ишлашдаги ютуқларни қайд қилган ҳолда бу соҳада келажакда амалга оширилиши лозим бўлган катта вазифаларни ҳам белгилаб берди. Партиямизнинг бу ажойиб қарори совет ёш ижодкорларига ленинча меҳрибонлиннинг янги ёрқин намунасидир.

Биз шу ғамхўрлик, шу юксак партиявий диққат-эътиборнинг масъулиятини чўқур ҳис қилишимиз, жонажон совет адабиётининг реалистик куч-қудратини ва имкониятларини янада бойитишга истеъдодимизнинг бутун кучи ва ҳароратини бағишлашимиз, улуғ партияга, даврга, совет халқига муносиб асарлар яратишимиз зарур.

Абдулла ОРИПОВ,
шоир, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати.

РАҚҚОСАЛАР ХИРОМ ЭТГАНДА...

ТОШКЕНТДА УКРАИН КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

22 октябрь куни Узбекистон пойтахтидаги марказий китоб магазинида Украина босма нашрларининг кўргазмаси очилди. Бу ерда қўйилган китоблар, брошюралар, альбомлар қардош республика қачи ва маданиятининг ривожланишини акс эттиради.

Кўргазмага республикадаги барча 26 нашриётнинг маҳсулоти қўйилган. В. И. Ленин асарлари тўпламининг бешинчи нашри украин тилида тўла-тўкис босмадан чиқарилди. Экспонатлар орасида КПСС XXV съездига бағишланган нашрлар, илмий коммунизм асосчиларининг асарлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг мақолалари ва нутқлари, коммунистик қурилиш масалаларига оид назарий тадқиқотлар бор.

Кўргазмада бадиий-ҳужжатли адабиёт, масалан, дастлабки беш йилликларнинг қаҳрамонлари А. Стаханов, П. Кривонос, М. Гнатенколларнинг асарлари бор. Энциклопедия нашрлари — Украина совет энциклопедияси, Украина ССР шаҳарлари ва қишлоқларининг тарихи, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш адабиёти кўргазмада кенг ўрин олган.

Кўргазма стендларида А. Навоийнинг ва бошқа ўзбек ёзувчиларининг украин тилига тажрима қилинган асарлари, шунингдек «Ўзбек халқ мақоллари» тўплами бор.

(ЎзТАГ).

Телевидение

24 ОКТЯБРЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — «Будильник». 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Олга, болакайлар. 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — **Дон Кихот** (бадиий фильм). 16.15 — Музикали программа. 16.50 — Р. Бородулин поэзияси. 17.10 — Халқаро панорама. 17.40 — Мультфильм. 18.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳужжатли фильмлар. 19.45 — **Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари** (бадиий фильм). 21.00 — Концерт. 21.30 — «Вақт». 22.00 — **Футбол:** «ТОРПЕДО» (Москва) — «ШАХТЕР» (Донецк). 2-тайм. 22.45 — Балет ҳақида кўрсатув. 23.35 — Ҳужжатли фильмлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Куйланг, ёш ҳонандалар (телеконкурс). 10.50 — «Светофор». 11.50 — Ота-оналар учун консультация. 12.20 — Ёшлар ижоди. 13.00 — Сенга шараф, сенга шон, устоз! 14.30 — Киноэкран янгиликлари. 15.00 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.** 18.05 — Қувноқлар даврасида. 18.30 — Цирк программаси. 18.55 — «Фан». 19.25 — «Ахборот». 19.40 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — **Телеминиатюралар.** 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 — Рус тили. 22.30 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.50 — Концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

25 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — **Аёз бобо** (бадиий фильм.) 11.55 Ҳайвонот оламида. 13.00 — Меҳнатинг — иқболинг. 15.35 — Биз табиат билан танишамиз. 15.55 — Чемпионларга тенглашинг. 16.25 — Сўз — олимларга. 16.40 — **Болалар кўчада ўйнашляпти.** (бадиий фильм). 18.10 — Ёшлар адреслари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ўрмондаги афсонавий мактаб. 19.30 — Концерт. 19.45 Социалистик мусобақа кунделиги. 20.30 — А. Н. Островский. «Донишмандинг содда бўлгани яхши» (фильм-спектакль) 22.00 — «Вақт». 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Мультфильм. 18.40 — Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 19.10 — Сенинг орденларинг, комсомол (ҳужжатли фильм, 1-серия). 19.35 — «Ахборот». 19.50 — Дарёлар туташган жойда. 20.20 — Концерт. 21.00 — «Ахборот». 21.20 «Шеърият билан учрашув»: Эътибор Охунова. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.40 — Н. Мирошниченко. «Оқ қушни эҳтиётланг!» (телетеатр, 1-қисм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 20.05 — Реклама. 20.25 — Тошкент янгиликлари. 20.40 — Жанговар постда. 21.10 — Олий математика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 «Тонг уйғонур». Концерт 9.15 — «Табассум» радиожурнали. 11.15 — Москва. «Эрталабки салом». 12.10 — «Ўзбекистон индустриальний». 13.30 — «Хатларингизни ўқиб». Концерт. 15.10 — «Мактаб ва ҳаёт». 15.25 — К. Жабборов қўшиқлари. 17.40 — Дам олиш киноафишаси. 18.00 — Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. 18.30 — «Дўстлик тўлқинида». 19.00 — Ўзбек авторларининг қўшиқлари. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Халқ қўшиқлари. 21.00 — Рақс кечаси. — 22.00 «Табассум» (такрорий эшиттириш). 23.15 — Дам олиш концерти.

Об-ҳаво

Узбекистон областларида ҳавонинг бир оз булутли келиши кутилади. ҚҚ АССР, Хоразм ва Бухоро областининг шимолида ёғингарчилик бўлмайди. Қолган жойларда ёғингарчилик бўлиши мумкин. Шимоли-ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади, айрим жойларда шамолнинг тезлиги секундига 15 метрга етади. ҚҚ АССРда ҳарорат 0-5, Хоразм ва Бухоро областининг шимолида 3-8, Сурхондарё областида 15-20, қолган жойларда 10-15 даража бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, айтарли ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат 10-12 даража бўлади.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Кино

Қирол Нью-Йоркда — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 12, 13, 17, 18, 19, 21), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Ғолиб — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Жаҳон бўйлаб 80 кун — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Робин Гуднинг камон ёйлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Алиса энди бу ерда яшамайди — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Халқ романи — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Ғалати қиз — «ҚОЗОҒИСТОН» (14, 15, 20).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг чет тиллар кафедраси мудири ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА ЭЪЛОН ҚИЛГАН КОНКУРС МУДДАТИНИ 1 НОЯБРГАЧА УЗАЙТИРАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 70-уй, илмий кадрлар бўлими. Телефон 33-59-46.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия ташкилоти, маҳаллий комитети ва ботаника кафедраси коллективи ботаника кафедрасининг мудири, доцент А. Ҳамидова отаси

Ҳамид РАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 01677. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583 В.— 250.